



АСОСИЙ ВОСИТАЛАР РЕНТАБЕЛЛИГИНИ ҲИСОБЛАШДА МОЛИЯВИЙ АХБОРОТЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Хабиба Арифханова

Давлат солиқ қўмитаси

хузуридаги Фискал институт таянч докторанти

khabiba.arifkhanova@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7482883>

ARTICLE INFO

Received: 14th December 2022

Accepted: 24th December 2022

Online: 25th December 2022

KEY WORDS

Асосий воситалар, асосий воситалар рентабеллиги, фонд қайтими.

ABSTRACT

Мазкур мақолада корхоналарнинг асосий воситалари рентабеллигини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш учун молиявий зарур ахборот манбалари ва улардан фойдаланиш мақсадлари таҳлил қилинади.

Кириш

Муайян фаолият ёки бизнес-лойиҳага сармоя киритиш тўғрисида қарор қабул қилишда инвесторлар ёки уларнинг бизнес ҳамкорлари лойиҳанинг рентабеллигини баҳолашга ҳаракат қилади. Бунда тадбиркорлик субъектлари ўз инвестиция фаолиятларини таҳлил қилишда киритилаётган инвестицияларнинг даромадлилигига эътибор қаратади.

Маълумки, асосий воситалар корxonанинг барқарор фаолияти юритишини таъминлайдиган корхона маблағларининг муҳим таркибий элементлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида такроран бевосита ёки билвосита қатнашадиган меҳнат воситалари қиймати бўлиб, улар ўзининг натурал шаклини сақлаб қолади ва улар эскирганда (амортизация хисобланганда) ўз таннархини ишлаб чиқарилган

маҳсулотларга қисмларга бўлиб ўтказилади.

Бухгалтерия ҳисоби, баҳолаш ва таҳлил қилиш учун асосий фондлар бир қатор мезонларга мувофиқ таснифланади: функционал мақсад (ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш); соҳавий таалуқчилиги (саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар); моддий-табiiй таркиби (бинолар, иншоотлар, узатиш қурилмалари, ишчи машина ва ускуналар ва бошқалар.); тасарруф этиш, эгалик ҳуқуқи (шахсий, ижарага олинган); фойдаланиш (фойдаланишдаги ва захирада турган).

Шундан, иқтисодий адабиётларда асосан асосий воситаларнинг функционал мақсади уларни таснифлашнинг асосий мезони сифатида олиниб, унга кўра асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида **бевосита иштирок этадиган** асосий воситалар ҳамда ишлаб чиқариш билан **билвосита боғлиқ бўлган ноишлаб**



чиқариш асосий воситаларига ажратилади.

Одатда асосий воситалар корхона активларнинг сезиларли қисмини эгаллаб, уларнинг ҳолати ва қиймати мулкдор ва инвесторлар учун муҳим аҳамият касб этади. Зеро асосий воситаларни ишончли ва ҳаққоний баҳолаш корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисида объектив хулоса чиқариш ва оқилона бошқарув қарорларини қабул қилишда кўмак беради.

Иқтисодий адабиётларда корхона фаолиятини таҳлил қилиш доирасида асосий воситалар рентабеллигини (айрим адабиётларда асосий фондлар рентабеллигини) ҳисоблашда турли ёндашувлар мавжуд бўлса, айрим адабиётларда асосий воситалар рентабеллигига умуман эътибор қаратилмаган.

Шу сабабли, асосий фондлар рентабеллигини қандай ҳисобланиши ва қайси ахборотлар манбалардан фойдаланиш лозим эканлиги, шунингдек мазкур рентабеллик қандай аҳамият касб этиши тўғрисида савол туғилади.

Адабиётлар шарҳи

Иқтисодий адабиётларда асосий воситалар (фондлар) рентабеллиги кўрсаткичларининг аҳамияти ва уларни ҳисоблаш бўйича турли қарашлар мавжуд.

Аксарият олимлар, асосий воситалар самарадорлиги ва рентабеллигини баҳолашда фонд қайтими (*fixed-assets turnover – асосий воситалар айланувчанлиги*) ва фонд сигими кўрсаткичларидан фойдаланади. Хусусан, кўпгина хорижий адабиётларда корхонанинг операцион самарадорлигининг асосий кўрсаткичи

сифатида фонд қайтими кўрсаткичи қайд этилиб, уларда мазкур кўрсаткични мазмун-моҳияти, ҳисоблаш усули ва заифликлари кўрсатиб ўтилган.

F.Lessambo фикрича фонд қайтими корхонанинг асосий воситалари корхонага қанча қиймат қўшишини кўрсатиб, мазкур кўрсаткичнинг юқори миқдори корхона асосий активларининг етарлича даромад олиб келаётганини билдиради. Унинг қайд этишича, асосий воситаларга сармоя киритилиши кам талаб қилинадиган соҳаларда фаолият кўрсатадиган корхоналар, хусусан ахборот технологиялари ёки консалтинг фирмаларда асосий воситалар кам эканлиги сабабли уларда фонд қайтими кўрсаткичи sanoat корхоналаридан анча юқори чиқиши мумкин.

R. Higgins асосий воситалар қайтими капитал сигимини назарда тутувчи кўрсаткич (капитал зарурлигини ифодаловчи кўрсаткич) деб таърифлаб, мазкур кўрсаткичнинг кичик қиймати асосий воситаларга кўпроқ инвестиция киритилиши лозимлигини таъкидлайди.

E.Brigham ва M.Ehrhardt таъкидлашига кўра, фонд қайтими корхона ўз асосий воситалардан қанчалик самарали фойдаланаётгани акс эттириб, улар ҳам юқори инфляция шароитларида асосий воситалар тарихий қийматда акс эттирилиб, уларни тиклаш харажатлари асосий воситалар қийматидан юқори бўлиши мумкин. Олимлар қайд этадики, асосий фондлари эскириб кетган корхонанинг асосий воситалар рентабеллиги кўрсаткичи яқинда очилган янги фирманинг рентабеллик



кўрсаткичларидан анча юқори бўлиши мумкин.

М.Ю.Гинзбург ва А. А.Федоров соф тушумга бошқа омилларнинг, хусусан ишчи кучи, айланма маблағлар каби омиллар таъсири юқорилиги сабабли, асосий воситалар қайтими (фонд қайтими) ҳисоблаш маъного эга эмаслигини таъкидлайди. Улар асосий воситалар рентабеллигини таҳлил қилишни бир маҳсулот бирликка тўғри келадиган фойдада асосий воситаларни эксплуатация қилиш, янгилаш ва тиклаш харажатлари улушини аниқлаш орқали амалга оширишни таклиф қилади.

Шунингдек, С.Prasanna асосий воситалар қайтимини асосий воситаларга қилинган инвестициялар қанча тушум олиб келишини ифодаладиган кўрсаткич деб таърифлаб, анчадан бери фаолият юритаётган корхоналарнинг асосий воситалари эскирганлиги сабабли ушбу кўрсаткич бир қанча юқори бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради.

Таҳлил

Корхоналари рентабеллигини фонд қайтими ёки асосий воситалар сарфи орқали топиладиган рентабеллик кўрсаткичларни ҳисоблашда асосий қуйидаги маълумотлардан фойдаланилади.

1. Корхона бухгалтерия ҳисоботлари. Асосий воситаларни самарадорлигини таҳлил қилиш учун асосий ахборот манбаси сифатида бухгалтерия баланси 1-сонли шакл ва унга илова ҳамда 2-сон шаклдан фойдаланилади.

Бунда баланс актив қисмини 010, 011 ва 012-сатрларда ҳисобот бошида ва охирида ишга туширилган асосий воситаларнинг қайта тиклаш, эскириш

ва қолдиқ қиймати тўғрисида маълумотлар мавжуд келтирилган. Шунингдек, “Балансдан ташқари счётларда ҳисобга олинмаган қийматликларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумот”нинг 790 ва 880-сатрларида оператив ижара асосида олинган асосий воситалар ва молиявий ижарага берилган асосий воситалар қийматини акс эттиради.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш корхонанинг молиявий натижалари, хусусан соф фойдаси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”

2-сонли шаклдаги маълумотлар ёрдамида амалга оширилади.

Асосий воситаларни чуқурроқ таҳлил қилиш учун қўшимча маълумот манбаи сифатида 1-сонли шаклга илова шаклини ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд бўлиб, ушбу иловада:

асосий воситаларининг таркиби ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар; ижарага олинган асосий воситаларни сақлашга берилган харажатлар, ҳисобланган амортизация суммаси; асосий воситаларни қайта баҳолаш муносабати билан индексация натижаси тўғрисидаги маълумотларни келтириш мақсадга мувофиқ.

Ушбу бўлимнинг кўрсаткичлари асосий воситаларнинг таркиби, тузилиши, ҳаракати ва техник ҳолатини таҳлил қилишда қўлланилади.

2. Корхона режаси маълумотлари (бизнес-режаси ва бошқалар):

-корхона ва унинг таркибий бўлинмаларини техник қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш режалари;



- янги объектларни ишга тушириш, ускуналарни алмаштириш режалари.

Режа маълумотлари бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисоботларда мавжуд бўлган таҳлил қилинган кўрсаткичларнинг амалдаги маълумотлари билан таққослаш учун асос бўлиб ҳисобланади.

3. Статистик ҳисоботлар маълумотлари.

Асосий воситаларни таҳлил қилиш учун қўшимча ахборот манбаи сифатида фойдаланиладиган статистик ҳисобот маълумотлари мавжуд. Мазкур маълумотлар асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлардан ташқари, тўлиқ амортизация қилинган асосий воситалар ва ҳисобот даври учун корхонанинг шахсий (ижарага олинган ва ижарага берилган) асосий воситаларининг ўртача йиллик қиймати тўғрисидаги маълумотлар мавжуд.

4. Синтетик ҳисоб маълумотлари.

- 0100 “Асосий воситалар” ҳисобварақлари;

- 0200 “Асосий воситаларнинг эскириши” ҳисобварақлари;

- 0300 “Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар” ҳисобварағи;

- 0700 “Ўрнатиш учун ускуналар” ҳисобварақлари;

- 0800 “Узоқ муддатли активларга инвестициялар” ҳисобварақлари;

- 001,005,010- балансдан ташқари ҳисобварақлар маълумотлари.

5. Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварақлари, турлари ва алоҳида инвентаризация моддалари бўйича аналитик ҳисоб маълумотлари (баённомалар ва аналитик ҳисоб карточкалари).

6. Бирламчи ҳужжатлар (инвентаризация карталари, қабул гувоҳномалари, ҳисобдан чиқариш далолатномалари ва бошқалар).

Таъкидлаш керакки, кўплаб ташкилотларда асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш имкониятлари оператив-техник ҳисобнинг, ускуналар ишлаш вақти ва ишламай туриши ҳисобининг етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли камаяди.

Хулоса

Асосий воситалар рентабеллигини ҳисоблашда таҳлил қилинадиган кўрсаткичларни белгилаш ва шу таҳлилга зарур бўлган маълумотларни манбаларни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ. Бунда асосий воситалар рентабеллигини аниқлаш учун белгилаб олинган кўрсаткичнинг заифликларини (*limitation*) ва ўзига хос хусусиятларини назарда тутиш лозим. Шунингдек, рентабеллик таҳлили узоқ муддат давр ичида динамикасини таҳлил қилиб бориш учун таҳлил учун зарур маълумотларни шакллантириш тизимини йўлга қўйиш лозим.

References:

1. F.I. Lessambo Financial Statements //Analysis and Reporting. – 2018.
2. E.F. Brigham, M. C. Ehrhardt, Financial management: Theory & practice. – Cengage Learning, 2016.
3. C. Prasanna, Financial Management–Theory and Practice, 2016.
4. R. Higgins, Analysis for Financial Management, 12th International ed. – 2018.



5. М.Ю.Гинзбург, А. А.Федоров “К проблеме определения рентабельности основных средств организации” // *Вестник Нижегородского университета им. НИ Лобачевского*. – 2014. – №. 1-1 (1). – С. 327-332.
6. Н.А. Соловьева, Е. А. Медведева, Анализ основных средств и эффективности их использования. – 2006.